

# ТОШКЕНТ

## ЎҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 247 (7.336) ©

1990 йил 27 октябрь, шанба

Баҳоси 3 тийин.

### Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси олдида

#### УМИДИМИЗ КАТТА

ПЕШТАХТАЛАР нега бўш, қочоғача бу давом этади? Бу каби оқдод, лекин ҳаётий саволларни депутатлар сайловчилардан ҳар кун, ҳар қадамда эшитишлари табиий. Йўқ нарсани бор қилиш албатта қийин, аммо бор бўлиб уни яшириш, охири йўқолишига йўл очиб савдо ходимларига нисбатан фуқароларнинг эътирозларини келтириб чиқармоқда. Хўш, нима қилиш керак?

Ўзбекистон ССЖнинг навбатдаги сессияси олдида тошкентлик депутатлар яна бир бор кенг дарага тўпландилар. Пойтахтнинг муаммолари етарли, биргина «Маҳалла» дастури кўплаб муаммоларни ҳал қилишни асос қилиб олган. Аммо жумҳурият сессиясидан олдин тўпланиб бир битимга келишни улар ўзлари учун вазифа деб ҳисобладилар. Хусусан, анжуман кун тартибига қўйилиши керак бўлган масалалар хилма хил. Қандай фикрлар асосий ўринни эгаллаши керак, қандай қўшимча тақлифларни киритиш мумкин? Ниҳоят кўпчилигини қизиқтиратган савол, ким сўзга чиқиши керак?

— Кун тартибидagi масалаларни депутатларимиз дерайи маъқул деб топдилар, — дейди Янгидадан сўнг Тошкент шаҳар депутатлар гуруҳининг раиси Ф. Н. Наҳиддинов. — Тайёрланган лойиҳа бўйича депутатлар ўз фикр ва мулоҳазаларини тайёрлаб қўя қолмай, жумҳурият Олий Кенгаши комитетларига етказдилар. Масалан, чайқовчилик масаласини олиб. Кун сайин томир отиб кенгайиб бораяпти. Каттиқроқ чора кўриш керак деган тақлифлар билдирилди. Худди шундай лойиҳаларнинг бир нечаси депутатларнинг кўлида. Булар билан танишиш, ишлаб чиқиш давом этмоқда. Маҳаллаларда яна депутатларнинг аҳоли билан учрашуви давом этмоқда. Одamlарнинг нақазини эса қанақайлар. Масалан, 52-округдан шаҳар Советига 4 нафар, район Советига 13 депутат сайланган. Улар жойларда нима иш қилишяпти, ишонинг натижаси бўлаётми?

Улар нақазларни белгиланган муддатда бажара боришларини билдиришмоқда. Сўзга чиқиш масаласига келсак, пойтахтнинг 63 депутатининг бари сўз олиши шарт эмас. Муҳим, мақсадимизни муштарак ҳолда сессияга етказиб бериш лозим.

Фазлидин Насриддинович айтган депутатлар ҳақиқатан ҳам ўз ишонинг билдимдорлари. Сўзга чиқиш, фикр ва тақлифларини дағал айта олишларига шак-шубҳа йўқ.

Ҳа, жумҳурият Олий Кенгашининг навбатдаги сессиясидан бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш ҳақидаги қонун ишлаб чиқилад. Унинг муҳимлиги жумҳурият тақдирини белгилаб беради. Тўғри, шу пайтгача қонунлар, қарорлар кўплаб қабул қилинди. Уларнинг ижроси ҳар дам ҳам қонинқорли бўлгани йўқ. Лекин бундан ҳеч нарсга ўзгармай қоларканда деган хулосага бормаслигимиз керак. Худди шу маънода Тошкент шаҳар депутатлар гуруҳининг қонун лойиҳасига билдирган умидига қўйишга бўлади.

Ф. ҒУЛОМОВА.

#### Шаҳар Кенгашида қабул

26 октябрь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси А. И. Фозилбеков Мўғулистон Қизил Ярим Ой жамаити бир гуруҳ олимлари учун семинар ўз ишчи бошлад. У ССЖ Қизил Ярим Ой ва Қизил Хоч жамаитлари, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамаити ва Мўғулистон Қизил Хоч жамаити ишдаги

#### «ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ХУЖАЛИГИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ Йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг қоидалари» лойиҳаси — МУҲОКАМАДА

## ТУРМУШ ТАШВИШЛАРИ

«Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг қоидалари» лойиҳаси эълон қилиниши билан рўзномамизга бу ҳужжат юзасидан шахримизнинг турли касб кишилари томонидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирувчи мактублар кўп-лаб кела болади. Қўйида уларнинг баъзилари билан танишасиз.

Ж. НАЗАРОВ, асбобсозлик заводи ишчиси.

— Маълумки, жумҳурият мустақиллиги қарор топаётган ва бозорга ўтилаётган шароитда Ўзбекистоннинг бошқа жумҳуриятлар ва Иттифоқ билан ўзаро муносабатлари батамом ўзгаради. Шунинг учун ҳам лойиҳада ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош жумҳуриятлар билан олиб борадиган соҳага фуқаролик, хўжалик, ер, ўрмон, сув қон, жиноятчилик, меҳнат-ахлоқ тузатиш, молия, меҳнат қонунлари, ижтимоий ва пенсия таъминоти, фуқароларнинг ижтимоий бирлашмалари, суд тўзилиши ва судни олиб бориш, маориф ва соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонунларнинг асосий негизларини белгилашни киритиш тўғрисида алоҳида ўқидирб ўтилади. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишга тўғри келади. Ишлаб чиқариш ва иқтисодий соҳадаги ўзаро алоқаларни келгуси йилда қандай таъминлаш, уларда умумиттифоқ охтиёжларини қондириш, хом ашё ва маҳсулотни эркин айриб олаш қай даражада бўлишини ахирининг ўзидаёқ аниқлаб олиш зарур. Бу хусусда биз ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳажмларини асосан шу йилги даражада сақлаб қолиш тўғрисидаги тақлифни қўлаб-қувватлашга тайёризмиз. Шунингдек бизнингча лойиҳада деҳқончилик-саноат комплекси тармоқларида жумҳурият бюджетларини ва капитал маблағ манбаларини вужудга келтириш масалаларини ҳам кўриб чиқиш зарур.

Лойиҳанинг «Ўзбекистоннинг бошқа жумҳуриятлар билан ўзаро муносабатлари» дастурида шундай жумла бор: «Ўзбекистон ССЖ ўз ҳудудида иқтисодий мустақиллигини амалга оширишда ўзининг олтин, қумуш ва бошқа нодир ва рангли металл, маъдан қонларидан, шунингдек, шулар асосида Ўзбекистон ССЖда тайёрланаётган маҳсулотдан фойдаланиш ва тасаруф этишда муқаддас мустақиллиги сибас қўрилади». Албатта «Мустақиллик декларацияси» эълон қилинган республикада шундай сибас қўриқлини шарт деб ўйлайман. Шунинг учун ҳам бу гаплар ҳаммамнинг дилдаги айтиш мумкин. Жумҳуриятда тайёрланган пахта толаси учун Иттифоқ давлат фондининг умумий салмоғи белгилаб берилиши ва аста-секин бу салмоқ қанақай бориб эркин нархда мустақил тарзда сотишга ўтилиши керак. Жумладан, бу хусусда лойиҳада: «Давлат бюрутмасига қўра жумҳуриятнинг асосий маҳсулотига — пахта толаси етказиб берилиши эвазига жумҳуриятга тўғш ва сўт маҳсулотлари, қанд-шакар ва бошқа молларни тенг ҳуқуқли негизда етказиб беришга нафолат берилиши керак», дейилади. Лекин бизда бериладиган юқоридаги маҳсулотлар қандай нархлар билан республикамизга етиб келиши қайд этилган. Жумҳуриятимиз учун йиллик аҳамиятга эга бўлган бу лойиҳада шундай масалаларга ҳам тўхталиб ўтилса мақсадга мувофиқ бўларди.

У. ЗОКИРОВ, 3-ўйсозлик қўбнаити бригада бошлиғи.

— Матбуотда эълон қилинган лойиҳа билан яқиндан танишиб қиқидим. Агар биз ўз касб-коримиз нўқтай нақаридан гапирадиган мўлсақ маълумки, бундан бир неча йил аввал жумҳуриятда уй-жой дастури қабул қилинган эди. Вироқ, ушбу дастурнинг бажарилиши ушбу кунда ҳеч кимни қаноатлантирмаётгани ҳаммага аён. Агар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан янқа тартибдаги уй-жой қурилиши ва шахсий ёрдамчи хўжалиқлар учун ер участкалари ажратилмаганида бу дастур тамомилан йўққа чиққан бўларди.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётган ҳозирги даврда беҳтёр ўйлаиб қоласан киши. Уй-жой қурилиши масаласида олдинда йиллик муаммолар тургани ҳақ Қарағини, жумҳуриятда давлат йўли билан ва янқа тартибдаги қурилиши авж олдириш ҳисобига келгуси беш йиллик кўришга умумий майдон 74 миллион квадрат метр ҳажмда уй-жой қурилиши керак экан. Сабоби, Ўзбекистон пойтахтининг ўзидангина уй-жой олиш учун 70 миң оила навбатда турганлиги ҳисобга олинди.

Ўз-ўзидан кўришиб турибдики, янги лойиҳа бандларини бажаришда биз қурувчиларнинг ҳам маълум даражада улушимиз бўлади. Лекин шунга қарамай, биз ўз ишимизга тақийдий нўқтай нақардан ёндошган ҳолда келажакдаги йўналишларимизни аниқ белгилаб олишимиз керак бўлади.

Лойиҳанинг «Аҳолини иш билан таъминлаш» дастурида Ўзбекистон иқтисодиётига бозор муносабатларини жорий этишнинг самардорлиги ҳар бир кишининг кўнчили равишда меҳнат қилиш ҳуқуқини, иш жойини, меҳнат сарфлайдиган ерини эркин танлаш, мулк шакллари меҳнат, касб-кор ва жумҳуриятнинг меҳнат имкониятларидан янада тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш учун шарт-шароит яратадиган иш режими эркин танлаш ҳуқуқини таъминлайдиган омиллар ҳамда тегишли қонун ҳужжатларининг қай даражада ишлаб чиқилиши билан бевосита боғлиқлиги ҳақида гап боради. Лойиҳада: «Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш учун ҳуқуқий иқтисодий ва ташкилий тўсдаги тадбирлар мажмуини рўбга чиқариш назарда тутилмоқда», дейилади. Унда аҳолини иш билан таъминлашни кўчайтиришга, ишлаб чиқариш кўчларини ривожлантиришнинг ҳисобга олиб нақарлар тайёрлашга қаратилган истиқбол режалари белгилаб берилган.

Лойиҳада меҳнатга лаёқатли кишиларни иш билан таъминлаш ҳақида сўз бора экан, шу ўринда жумҳуриятимизда пенсия ёшига етмаган ҳар бир киши бирор касб-кор билан шуғулланиши мажбурий эканлиги қайд қилиб ўтилганида нур устига нур бўларди.



#### ҚАРИ БОР УЙНИНГ ЗАРИ БОР

ХАЛҚИМИЗНИНГ жуда ҳам тоғиб айтган ана шу сўзларида бир олам маъно ва маъму у бор. Юлларидан нур ёғиб турган бу онахон — ҳамшаҳримиз бўлган Фотима ая кун кеча иккинчи асрга қадам қўйдилар. Шу кун онахон истиқомат қиладиган уй ўзгача тароват касб этди. Бу ерга келган меҳмонларнинг ҳаммаси эзгу янлат эди. Улар ҳам Фотима аядек узоқ умр кўришни, қаринда гаштини суриб онахон сингари қўлаб фарзандлар, неваря, эвара ва чевараларнинг суюкли момоси бўлиб юришни дилларига тўтиб келган эдилар.

Фотима ая Умрзоқова гарчи юз ёш билан юз кўришган бўлсаларда ҳам бордан ва тегилар. Оғизларидан донм бол тоғиб гапирдилар, атрофларидан нарвона бўлган фарзандларини донм яхши сўзлар билан алқайдилар. Дарҳақиқат, ўзаро меҳр-оқибат-

га, онадаги ширин муомалага нима етсин! Бинобарин тоғли ва ширин турмуш ҳам узоқ умр кўриш гаровидир. Буни Фотима ая Умрзоқова тез-тез таъкидлаб қўйдилар. Онахоннинг бир асрлик тўйларига ташриф бурган қавму қариндошлар, Киров районидagi «Обод» маҳалласининг фуқаролари, узоқ-яқиндан келган азиз меҳмонлар уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, бардамлик тиладилар. Меҳмонларнинг эзгу уяқларига жавобан Фотима ая Умрзоқова:

— Мен йўқлаб келганларингиз учун миңдан-миң раҳмат болаларим, тупроқ олсанглар олтин бўлсин, азиз болларингиз ҳеч завоқ кўрмасин, ҳаммаларингиз менинг ёшигача етигилар, — деб истак билдирилди.

Ана шундай сўлимий сўзларингиз учун Сизга ҳам чин дилдан ташаккур билдиримиз, азиз онахон!



#### Ёшлигим, кел, умрим олтин сози бўл

СУРАТДА. Сизга табассум билан боқиб турган яна бир аjoyиб ҳамшаҳарларимиздан бири Феруза Назарова бўлади. Унинг Тошкентдаги таъриба-пилавашилик фабрикасидаги ишига келганига ҳам беш йилдан ошиб қолди. Шу йиллар мобайнида у ўз касбининг моҳирларидан бирига айланди. Эндилкида у фабриканинг пешқадим, фидойи захматқашларидан биридир.

Феруза Назарова меҳнат қилётган жамоа аъзолари билан суҳбатлашганда у ҳақида тўлиб-тоғиб, фахр билан гапирди. Бунинг сирини шундай, Феруза кўнди-инди-инди, ҳаммасига дугоналарига меҳнат қилгани билан уларнинг хурмат ва эътиборига сазовор бўлган. Қоҳилики мана шундай эътибор қозонишда гап кўп экан! Чунки биз ўзимизнинг асосий вақтимизни иш жойида ўтказамиз. Шундай бўлганда, кўлиб-ўйнаб, яхши кайфият билан меҳнат қилганга нима етсин! Феруза Назарова ҳам ўзининг

жонажон қорқонасига, аjoyиб ҳаммасига дугоналарини даврасига ҳар кун катта иштиёқ ва ошиқчи билан келади. Ва бу ерда кун бўйи завқли меҳнат қилиб, фабрикадан шод бўлиб уйига қайтади... Ёшлиқ ғайрат ва шижоати билан меҳнат қилётган Феруза Назаровача олимпиада ишларига зафарлар ёр бўлавершишга биз ҳам тиладошимиз.

ХУЛЛАС. АЗИЗ ОҚШОМХОН ДУСТЛАР. Бугун биз Сизларни шахримизнинг ана икки асрга қадам қўйган Фотима ая Умрзоқова ва иккинчиси ёшлиқ ғайратли жўшурган, кўли гул ишчи Феруза Назаровача билан таништирдим. «Онахон» рўномаси ўзининг хайри анъанасини давом эттириб «Ҳамшаҳарларимиз» руқунини остида яна бошқа турли касб соҳиблари билан ҳам Сизларни таништириб боришни режалаштириб қўйин! С. БОТИРОВ.

#### Обуна—9!

#### Рўзнома муҳарририятига

© Хурматли муҳаррират! Мен чет эл сафарига эдим, кунчи кеча Тошкентга қайтиб келдим. Обунага бироз кечиккан қўриманам. Энди буючи қандай бўлади, маслаҳат берсангиз.

Маждид ҒУЛОМОВ, хизматчи.

© Мен ноябрь ойида катта миқдорда муқофот пули оламан. 1991 йил учун рўзнома ва ойналарга обуна иш муқофот пулидан расмийлаштириш эдим. Айтишчи, обунага кечикмадимми?

Ғофир ЖАЛИЛОВ, қурувчи.

«ОҚШОМ» рўзномасига юқоридаги мазмундаги хатлар шу кунларда кўлаб келмоқда. Биз азиз муштарийларимизни хотиржам қилишимиз мумкин: уларнинг ана шундай илтимос ва истаклари ҳисобга олинган ҳолда бошқа нашлаб қатори «Тошкент оқшом» рўзномаси учун ҳам келгуси йилга обуна муддати 1990 йилнинг 1 ДЕКАБРИГА ҚАДАР УЗАЙТИРИЛДИ. Бу ҳақида кеча хабар берган эдик.

Демак, муштарийларимиз келгуси йилнинг 1 январидан уйларига «Оқшом» рўзномаси кириб бориши учун шу кунларда обунани расмийлаштиришлари керак. Унинг бир йиллик обуна ҳисоби 17 сўм 40 тийин эканлигини, ярим йил учун 8 сўм 70 тийин, 3 ойга 4 сўм 35 тийин тўлаш кераклигини билсангиз. Энг муҳими бугунги ишнинг эртага қўймай, ўзингиз яшаб турган ёки ишлаётган жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз, олам гулистон. 1 йил мобайнида «Оқшом» рўзномаси Сизнинг яқин маслаҳатқўнигингиз ва сирдошингиз бўлиб қолади.

Келгин эди, ҳамир учидан нагир деганларидек келгуси йил «Тошкент оқшом» да мунтазам равишда эълон қилинадиган материалларнинг қисқачига мундарижаси билан танишинг.



#### «Тошкент оқшом» 1991 йилда:

© ОЙДА ИККИ МАРТА — «МАҲАЛЛАДОШ» ИЛОВАСИ.

- «ШАНБА ОҚШОМИДА».
- «АДАБИЕТ ВА САҢЪАТ».
- «ОДОБНОМА».
- «САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР».
- «НАЗОКАТ».
- «02»: ХАБАРЛАР, ХОДИСАЛАР».
- «КУЛГИХОНА».
- «ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ».
- «ОЙНАИ ЖАҲОН» КўРСАТУВЛАРИ РЕЖАСИ.

- ЭНГ СЎНГИ ЯНГИЛИКЛАР, ВОКЕЛАР, ХАБАРЛАР, МУТАСАДДИЛАР ФИКРИ, ТОШКЕНТ, ЖУМҲУРИЯТ, ИТТИФОҚ ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАНИКЛИ АРБОБЛАРИ, МАДАНИЯТ, ФАН, СПОРТ НАМОЯНДАЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАРИНИ

ЕРИТИБ БОРАДИ  
© ЭСЛАТМА: рўзнома муҳарририяти жуздонлариде келса йили «Оқшом» юзини кўрадиган яна кўпдан-кўп қизиқарли мавзулар, янги руқунлар турибди. Ана шулардан ҳам биз яқин кунларда азиз муштарийларимизни хабардор эта-миз.

#### ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ

ЗЕЙНЕБ Адниниязовани Тошкентдаги асбобсозлик заводи ишчи ва хизматчилари гольт хурмат қилишди. Бунинг боиси шунданки, у қарийб 10 йилдан бери қорқонада иноматчи матбуот тарқатувчилар ҳам қилади. Завод ишчи ва хизматчилари ўзлари севган нашлаб қатори обуна бўлиш масаласида З. Адниниязовача мурожаат қилишди.

Шу кунларда қорқона иноматчи матбуот тарқатувчиларининг юмушлари кўпайган. Чунки, 1991 йил учун рўзнома ва ойналарга обуналарни расмийлаштириш айтиш шу неларда қизғин паллага кирди.

— Шу кунгача 3.500 сўмдан энди рўзнома ва ойналарга обуна қабул қилдим, — дейди Зейнаб Адниниязова. — Бу ишда шогирдим Линура Обидова (у суратда чал томонда аяс этган) ва илгор ишчи Анбар Ҳамидовлар менга яқиндан ёрдам беришди. Мақсадимиз — обуна кампанисини уюш-қоқили билан ўтказишдан иборатдир.

З. Адниниязованинг бу гапларига катта маъно бор, обуна-ни муваффақиятга ўтказиш — демак кўплаб қорқона ишчиларини ўзлари севган нашлаб қатори обуна қилиш деган сўзидир. Ўғлайимиз, обуна бўлганлар орасида Тошкентнинг «Оқшом» рўзномаси муштарийлари ҳам кўпчилигини ташкил этади.

#### Мўғулистондан келган мутахассислар

КЕЧА Самарқандда Ўзбекистон ССЖ Қизил Ярим Ой жамаитининг жумҳурият ўзува марказида Мўғулистон Қизил Ярим Ой жамаити бир гуруҳ олимлари учун семинар ўз ишчи бошлад. У ССЖ Қизил Ярим Ой ва Қизил Хоч жамаитлари, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамаити ва Мўғулистон Қизил Хоч жамаити ишдаги

тажрибаларини ўртоқлашиш мақсадида ўтказилмоқда. Семинар Тошкентдаги жумҳурият Киночилар уйида давом эттирилади. Унинг ишида қатнашиш учун Мўғулистон Қизил Хоч жамаити олим қўмита-лари, бошланғич ташкилотларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари келишган. Ижроия комитетларининг ходимлари, бош-

қа мутахассислар улар хузурда сўзга чиқадилар. Ўзбекистон ССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлигидега учрашув бўлиб ўтади. Самарқанд вилоят ва Тошкент шаҳар Қизил Ярим Ой жамаитлари бошланғич ташкилотларининг фаолияти билан яқиндан танишладилар. Семинар ўз ишчи 30 октябрга қадар давом эттиради.

ШАНБА ОҚШОМИДА



«ОҚШОМИНГИЗ ФАЙЗЛИ БЎЛСИН».

БУВИМ эски сандиқни аста очиб, бисотларни кўздан кечирардилар. Паранжи, мурсак, нимча, кўйлак, рўмол, дастрўмол, пешонабоғ, турли хил мато ва бошқа буюмлар... Мен ёнларимда ўтириб, кўзларим қувноб томоша қилардим. «Хайрият, кам-кўстисиз, ҳаммаси бор экан», — деб ўзларича шивирлаб қўйдилар.

Маточилигимиз ҳақида ЖИЛОЛИ, КЎЗНИ ҚАМАШТИРМАЙДИ

Бир асрга яқинлашиб қолган бўлсалар-да қаноатли, доим қувноқ баъзан кўйдипиши бувим сандиқни ёпқанлар, шу гаплардан кейин бисотларини бошқа кўргим келмаганди. Шундай бўлса-да сақлаб келган буюмлари орасида қадимги матолар, ўйлаб топилган нақшлари ҳаёлимни чулғар, улар ҳозиргиларга сира ўхшамасди. Энциз, дағал, иплари пишқ, ранглари чиройли-ю, кўзни қамаштирмас эди.

Бувим ярим аср подшолик, қирқ йилдан зиёд бизнинг зомонда яшаб, ўтмиш ва ҳозирги ҳаётдан ҳикоятлар сўзлаб берадилар. Гоҳо-гоҳо сандиқдан бир вақтлардаги гунафша, пушти рангли шойи, ярим шойи кўйлақларини кийиб, бизга кўрсатганларида ўзларига жуда ярашарди.

— Бу келинлик пайтимдаги кўйлағим. Қия-қия йирта олмаганман. Ахир сандиқда тушди. Нега эндиғилар ҳафта сари кийинишадую, кийимлари эгниларига чидайди, — деб кўярдилар.

Бизгача етиб келган қадимги матолар кўл дастохларига, пахта, ипаклардан иплар йиғириниш, тўқиш, махсус қолипларда турли хил ранглар билан гуллар босиш, нақшлаш жараёнида тайёрланиши музей кўргазмалари ҳикоя қилади.

Маточилиқда ишлатиладиган гул босиш қолипларини кузатиб, халқ усталарининг диди, ақл-заковатига қўйил қолгандини. Улар дун келган дархатдан қолип ясайвермай, фақат икк танасини танлашаркан. Бу ёқни тортиб олмаслиги, нақшларнинг бир текис чиқиши ўйна нақшли қолипларга хос эканлиги ўтмишда синалган.

Мато тўқувчи доим халқни ўйлаб, ҳалол меҳнат қилиб келган. Одамлар ҳам мато тўқиш қийинчиликларига тушуниб, кийимни кадрлар, кийиб, авайлаб юшиб, эскириб қолганга қарамай эгниларидан қўйишма-

ган. Музейлар хазинасидаги халқ амалий санъати бўлими хоналарида намойишга қўйилганлари томоша қилсангиз XIX—XX аср бошларида тўқилган матоларимиздан завок оласиз. Босма гулли ва нақшли дастурхон, бекасам, атлас, шойи, ярим шойи, дўҳоба, улардан тикилган айрим миллий либослар кўзни қувонтиради. Нақшлари даярли табиат манзараларидан иборат. Анвойи гул, япроқ, қушлардан тортиб, турли жониворлар тасвирлари, халқ санъатининг мисгарлик, қулочлик кўринишларига ақ эттирилган.

Ўзбекистон ССЖ Давлат санъат музейида намойишга қўйилган шойи матолардан бири — «Чорраҳа» нақши XIX асрга оид бўлса-да, аслида ибтидоий маточилиқда ишлатилганлигидан далолат берапти. Айна шу нақш устида баҳслар бормоқда. Кимдир христиан, католик динига оид «бу» — чўқиниш белгиси деса, бизнинг адабиёт-шуносларимиз қадимги ёзувлардан бўлса керак, деган тахминини айтишяпти. Тиббиёт фани «тез ёрдам» белгиси эканлигини исботлашга уринмоқда. Айна шу матога ишлатиб келинган нақш XIV — XV асрларда қурилган мадраса, маҷитлар биноларида ҳам кўплаб учрайди.

Ҳозир матолар техника воситалари ёрдамида тўқилмоқда. Ута жилоли, кўзни қамаштиради. Лекин тўқилиши жиҳатдан ҳам, ранглари орқали нақшлашдаёми сифати унча эмас. Кўп ишлаб чиқарилапти, кўп фойдаланилапти-ю, халқимиз талабига жавоб беролмаяпти. Иллари мўрт бўлган, мато ҳолига келгунча янада сифати пасаяди.

Тошкент тўқимачилик комбинатида аёвхат қилиб, мато қандай тайёрланиши билан қизиққан эдим. Кийим тўқиш фабрикалари, ниҳоят кимёвий тозалаш жойларини кузатиб, маточилик ҳақида яна ўйлашга тўғри келди. Пахтаги етиштирган деҳқонга қанчалик қийин бўлса, ишчиларга ҳам осон эмас. Диққинафас, бадбўй ҳидлар аниқ турган цехларда чанглари ютиб меҳнат қилишмоқда. Кийим-кечаларни кир машиналарида ювиш, қайта-қайта дезмоллаш ҳам маточилик келажағига қони зарар.

Топганимиз кийингига кўпроқ кетаётганидан кези келганда озиқ-овқатга етмай қолапти, «баракка йўқ», деб нолияпмиз. Ҳамма гап тежамкорликда экан. Илгирлари халқимиз матони қадрлаб келишган. Кам юшиб, кам дезмоллаш босишган. Кийим йиртилса тезда ямаб, матолар қийтимларини ташлаб юбормай, бир-бирларига улаб, нақша ўхшаш қуроқ астиқ кўзи, кўрпа-тўшаклар тикишган. Ҳали-ҳали эсимда. Қуроқ тикувчи чеварлар бўларди. Масалан, шулардан бири Тугалбой исмли киши эримай, қийим матолардан қуроқ тикар, кўрпа унга буюртмалар беради. Эндиликда қуроқчилар ниҳоятда камийиб кетди. Ҳозирги кунда аёлларимизнинг кўнчилиги йиқит-ямочқа қаршмайди. Эскисини ташлаб, янгисини сотиб олаверадилар. Кирилари фақат машинада юшиб, тез-тез дезмоллаш босишвергандан кейин кийим чийдайими?

Маҳмуд АҲМЕДОВ.

Ўзбекистон ССЖ Давлат санъат музейининг илмий ходими.

Фурқатга бағишланади

ЎЗБЕК демократ шoirи ва матрйфатпарвари Фурқат ўзининг охириги йилларини Хитойнинг Синьцзян вилоятида ўтказган эди. Шу йилларда у кўплаб шеърларини ёзди. Хитой диёри унинг учун қадрдон бўлиб қолди. Мутақаббил шoir Фурқатга бағишланади суратга олинган янги фильмда ана шу давр воқеалари ўз бадий ифодасини топти. Қувончли томони шундаки, мажур экран асарини яратиш устида ўзбек ва хитой киносанъаткорлари яқин ҳамкорликда иш олиб берадилар.

Шу зағу ниятда Хитой Халқ Жумҳурияси Синьцзян-Уйғур мухтор вилоятидан бир гуруҳ ижодкорлар қийнда Тошкентга ташриф буюрдилар. Улар «Ўзбекфильм» киностудиясида бўлиб, бўлажак фильм хусусида батафсил гаплашиб олдилар.

Ижодий мулоқот давомида ҳамкорлик фильмни суратга олиш билан боғлиқ қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Саодат ОДИЛОВА.

Ажойботлар оламида

Тош қотган дарактлар

СУРАТДАГИ бу манзарани кўриб албатта даракт таналари-да, деишиниғиз табиий. Улар Х. Сулаймонова кўчасидаги Х. М. Абдуллаев номи Геология ва геофизика илмгоҳи олдида жойлашган.

Тош қотган бу дарактлар Сарноғоч район марказидан 46 километр шиғмоли-шарқда, «бўр даври» қатламларининг ер юзасига табиий чиқиб қолган қумтошли, оҳақтошли тоғ жинслари орасидан топишган. Олимларнинг фикрича бундай дарактлар ҳозирда йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Баъзиларини Шиғмолий Америка, Хитой ва Япония мамлакатлари худудларида учратиш мумкин.

«Даракт»лар қўндалан «кесиб» қўрилганда, қирқин устида жуда ҳам яқин сақланган мансумий ҳалқаларини санаш мумкин бўлди. Улар сони 75 та, бу эса даракт ёшини аниқлашга ёрдам берди.

Мутахассисларнинг фикрича дарактларнинг тошга айланиш жараёни кальций, мағний ва темир гидрооксидига қўйилган кўл ёки сув ҳавзаларида кечади. Геологлар бундай топилмалар ёрдамида қатлам ва даврининг ёшини, табиий шaroитини, иқлимни ва шу билан бирга қазилма бойликларини баҳорат қилишда фойдаланадилар.

Пўлат СУЛТОНОВ.



ЛУҚМА ЭГАСИЗ ТАЙЁРАЛАР

АСЛИДА эгасиз бўзим бўлмайдми, ҳатто осмондан тушган бўлса ҳам. Ҳатто, оддий игна киймадир тегиши. Аммо, пойтахтдаги Оҳангарон шоҳ йўлидан «Рохат» кўли томон юриб, чап томонга кўз ташласангиз, рўпаранда улкан тайёра турганини кўрасиз. Олд томонига «29» рақами ўйиб ёзилган «АН» мана, бир йилдан ортқ вақтдан бери бир гектарча келадиган ташландиқ майдонда бекор турибди. У қаноти синган улкан бургутдек тушшунини ерга қадаганча қадрига «янғилаяпти».

Тайёра бу ерга қайқдан келиб қолди, ҳеч ким билмайди. Салобатидан болалар ҳам ёнига йўлай олмайдилар. Унинг бирор ташкилотга тегишли ақалиғига ишонини қийин.

Юнусобод даҳаси, Қайзнаов кўчаси яқинидаги майдонда ёввойи ўтлар қуршолида қолган «АН—14» тонфасидаги яна бир тайёрани кўриб ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Ен томонига «32» рақами яққол кўринади. Ҳўш, уларнинг ағзалари ким? Бе-парволик ҳам эви билан-да!

Неъматжон ҲАСАНОВ, Тошкент шаҳар Кенгашининг депутаты.

СИЗ ҳеч вақт ўзингизга бизни ўраб турган атроф-муҳит — уйллар девори, табиат манзараларининг ранги таъсир кўрсатишини сезганмишсиз? Еки бундай саволим. Бемаъни деб ўйлашмасизми? Янглишасиз. Ҳар ҳолда олимлар бу масалага жиддий қарайдилар. Ва уни «микроскоп» остида текшириб, таъбирлари натижа-сида аниқ тадбирларни ишлаб чиқмоқдалар.

Чуночки, маълум бўлишича, пушти ранг бошқаларига қараганда кўпроқ даражада асабларни заифлаштиради (шунинг учун ҳам ақиндан бери Калифорниядаги Сан-Бернардино ҳибсхонасидаги ҳаддан ташқари «қизиқон» маҳбусларнинг хоналари пушти ранга бўяб қўйилган бўлди). Еки ер-кин сариқ ё бинафша ранглар қаттиқ бош оғриғини кўзгаши мумкинлиги ҳам исботланган... Умуман, бизни ўраб турган муҳитдаги рангларнинг таъсири оддий руҳий ёки ҳис-туйғуға ҳосилдан ҳам юқоридир.

Улар, энг янги текширишлардан маълум бўлишича, бизнинг соғлиғимизга, жумладан: юрак мускулларининг қисқариш ритми-га, нафас олиш даражасига, артериал босим ва мушакларнинг ҳолатига жуда катта таъсир кўрсатаркан. Шуниси ҳайратланарлики, буни ҳатто ўрта аср шифокорлари ҳам билган бўлсалар керак. Зеро, сув-чечак, қора чечак ва қизилча хасталиқларнинг даволашда улар «хромотерапия»дан фойдаланганлар.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам ранг «мурча»лари инсон организмига гоғтада кучли таъсир кўрсатади. Бунда яшил ранг баъзи руҳий хасталиқларни, асаб чер-

чашини ва тутқаноқни даволаш-да қўлланилади. Ҳар ҳолда, биллардан еки қарта ўйналадиган столларнинг доимо яшил мовути билан қопланиши бежиз эмас — бу ранг руҳий муво-занатни сақлайди, кишини ўзи-ни босишга ундайди. Тўқ сариқ рангининг «вазифалари» эса ўзгачадир. Агарда сиз ўта

таъсир кўрсатадиган ранглар маъжуд. Жумладан, юрак фаолияти бузилган хасталар кўк рангли халдирилари яқин қабул қиладилар, чунки бу ранг уларнинг хотиржам-лигини таъминлайди. Аксинча, тўқ сариқ ёки қизил доридармонлар уларни толқити-риши ва асабларни кўзгаатиши

Албатта, ўзингизнинг биоло-гик эхтиёжларингиз билан уйғун бўлган муҳитда яшашни истасангиз жуда бўлмаганда ўз хонангиз учун девор безак-лари ва пардаларини танлашда мутахассислар маслаҳатига қу-лоқ солинг.

Авалламобор ишни оилан-гиз аъзоларидан бири ёзди-ган, ҳисоблайдиган, умуман диққат-этибор билан ишлай-диган хона ёки бурчакча ранг ташлашдан бошлаш мумкин. Бунда яқини хонага яшил рангини танлаган маъқул. Кўк ёки ҳаво рангдан иложи борича фойдаланганг. Ақс ҳол-да ёзув столида ўтирган киши-нинг уйқуси етказолмаслиги мумкин. Юқоридаги ранглар билан туғруқхоналардаги пал-лаларнинг деворларини бўяш лозим — шунда хотир-жамлик шароити явулмоқда ке-лади. Кўк ёки ҳаво рангли жиҳозлардан ухлаш хоналари-да фойдаланишга нур устига нур бўлади. Чунки, ҳаво ранг кишининг уйқусини келтириб-гани қолмай, бардәмлик туғу-руқ хона ҳам ҳосил қиладик, бу тинч ва чуқур уйқу учун жуда муҳимдир.

Ошхона ёки меҳмонхонага келганда эса албатта юқори-дағчинг ақси — кишини жон-датини рағбат-дан рағбатга ташлаб еттилади. Бироқ бундай деворларни бу-йилган тўқ сариқ ёки қизил рангларга бўяш керак деган хулоса келиб қиймайди. Лекин, юқоридаги каби ранглардаги бир нечта чиққ ёки нақш иш-латилса фойдадан ҳоли бўл-майди.

Шариф ИСМОИЛОВ, тайёрлаган.



Дастлабки сарҳисоб

Ўзбекистон Совет Социалистик жумҳурияси Соғлиқни сақлаш ва зирлиғи томонидан ўзбек тилига дав-лат мақоми берилганлигини бир йиллиги муносабати билан тил бай-рами ўтказилди. Байрамнинг очилиш қисмида жумҳу-рият соғлиқни сақлаш ва зирлиғи вазири Саид-жалол Баҳромов меҳмонларни ушбу айём билан таъбриқлади. Сўнгра бай-рамга ташриф буюрган меҳмонлар — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасининг бош муҳаррири Аҳ-маджон Мелибоев, «Совет Ўзбекис-тон» рўзномасининг бўлим мудир-и Мирзакарим Пириматов, шoir Мирза Кенжабек, публицист-ёзувчи Дада-хон Нурилар жумҳуриятимизда тил бўйича қилинаётган ишлар ҳақида тўхталиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, янги ижод намуна-ларидан ўқиб бердилар. Тил байрамнинг бадий қисмида эса Маҳмуджон Азимов ва Шерқў-ли Ғозиевлар ўзларининг жозибали куй ва қўшиқлари билан байрам иш-тирокчилигини дилларини хушмуд эттиди.

Даврон АҲМАД, Муаллиф суратлари.

Маҳаллий кенгашлар фаолиятдан

АСОСИЙ МАҚСАД — ОСОЙИШТАЛИК

Ў Акмал Икромов районида бўлиб ўтган партия-хўжалик фаоллари кенгаши миллатлараро муноса-батлар кескинлашганини олдини олиш ва жиноят-чиликка қарши курашга қаратилди. Бундай тадбир-ларнинг ўтказилиши фавуқода ҳол эмас. Кейинги пайтларда миллатлараро муносабатларнинг кескин-лашуви кўпчилигини ташвишга солмоқда. Ҳар хил қалғи хатти-харакатлар орқали жиноятчиликнинг ўсиб бораётганлиги одамларнинг ҳақли эътироз ва ташналарига сабаб бўлмоқда. Аҳолини яқинлаш ва ишни ижобий томонга ўзгартириш учун ниямлар қилиш керак?

АКМАЛ Икромов район партия-хўжалик фаоллари кенгаши қатнашчилари маса-ланинг ана шу томонини ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқишга ва шу орқали ву-жудга келган аҳолини тах-лил этишга эришилди. Энг муҳими, кенгашта амалий фикрлар, фойдали гаплар ўртага ташланди.

— Бугун биз сизлар билан ҳаётимизнинг жуда му-ҳим ва жиддий масалалари-ни ҳал этиш учун йиғилган-миз, — деди кенгашта сўз олган Акмал Икромов район ижroiя комитетининг раиси О. С. Алихўжаев. — Ҳо-зирги кескин шароитда жа-миyatимизда бўлаётган воқеа-лар, давлатимизнинг тақди-ри, оиламизнинг келажаги ҳақида ўйламаётган киши топилмас керак. Айни пайт-да мамлакатимизнинг ҳамма жойида сиёсий кураш кет-моқда. Бизнинг қай дара-жада фаолият кўрсатишимиз эса бу курашнинг тақдирини белгилайди. Турли хил шор, ваъда ва қаҳриқларнинг кўплиги, асосли ва асосиз-дирдилар, далилсиз айб-лашлар аввалдан совет ки-шиси учун муқаддас ҳисоб-ланган тушунчаларини ёмон-лаш туғайди бир фикрга келиш, маълум бир йўлни танлаш қийин бўлиб қолди.

Нотиқ таъкидлаганидек, халқимиз ҳозирги шароит-ларга нисбатан норозилик билдиришга албатта ҳақли. Энг керакли озиқ-овқат маҳ-сулотлари ва бошқа хил мол-ларнинг етишмаслиги, уму-вий интизомнинг бўшашиб кетиши, қонунга ҳилоф иш қилиш, чайқовчиликнинг авьига чиқиши одамларда «Ҳейта қуршини шунинг учун бошлаган эдикми», — деган ҳақли ташналар туғилдишига сабабчи бўлмоқда. Бунинг оқибатида ҳозирги кунда ян-гиланишининг энг мураккаб, зиддиятларга тўла ва кўп жиҳатдан танглик хусусияти-га эга бўлган даври бошдан кечирилмоқда. Бу давр жа-мийат ҳаётини тубдан ўзгар-

тикомат қилади. Шундай экан аҳолининг талабини қондириш учун янгиликка ишлаш талаб этилмоқда. Муаммоларни ҳал этишга асосий эътибор қаратиляпти. Қолаверса, жиноятчилик-ка қарши курашда ҳам муай-ян ишлар амалга оширилмоқ-да. Район раҳбарлари ўз аъёналарига мувофиқ ҳар ҳафтада бир маротаба ма-ҳаллаларда бўлишмоқда. Аҳоли билан мулоқотда бў-либ, уларнинг дарду ҳарсати-га шерик бўлишяпти. Ма-жуд камчиликларни бартар-фат этишда фаоллик кўрсати-шмоқда.

Аваллари район худудида жиноятчиликка қарши ку-рашнинг ўзинга ҳос усули таркиб топан эди. Бу кўп-чилик аҳолининг хотиржам яшашига ва турмуш кечири-шига қаролат беради. Вақт ўтиши билан бундай усул унутулиб кетди. Бошқачаси-га айтганда турли хил жи-ноятларни келтириб чиқарган жиноятчилар, безорилар ма-ҳаллаларда аҳоли ўртасида суд қилинмай қўйди. Олин-дирган бундай тадбирларда Район прокурори, халқ суди, ички ишлар бўлими ходимла-ри бевосита иштирок этарди-лар. Катта самара бериб ке-лаётган бундай усулни тиклаш ҳали ҳам кеч эмас. Ана шу ҳақидаги фойдали тақлифни ўртага ташлаган кенгаш қат-нашчиси — Тошкент шаҳар Совети қошидаги маҳалла, уй қўмиталари ва жамоатчи-лик билан ишлаш доимий комиссиясининг раиси Шу-кур Темуров яна бир ганини таъкидлади. Унинг фикрича, қўнғили халқ дўруначилар ишини жонлантириш керак. Маҳалла ва мавзе худудида-ги ташкилотлар дўруначил-лари фақат ўзларига қарши-лик майдонга ҳизмат қилсин-лар. Қолаверса, бу умум ишдан келган жамоатчилик ҳам четда қолмаслиғи зарур. Ахир, унинг тинч — юртинг тинч, деб бекорга айтилма-ган.

Кенгаш қатнашчилари тур-ли миллат вакилларининг бир-бирига дўст биродар бў-либ тинч-товуш яшашларига ҳайрихоҳ эканликларини билдирдилар ва бу борада қилинайдиган ишларни белги-лаб олдилар.

Кенгашта Акмал Икромов район партия қўмитасининг биринчи котиби Қ. М. Рафи-қов иштирок этди.

Рустам ЗУҲРИДИНОВ.

Районда ҳаммаси бўлиб 21 миллатга мансуб халқ ис-





Душанба, 29

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Кўнақ болалик». Кинопрограма.

23.00 «Ешлик» видеоанали. 00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби. 00.25 УТВ II

ДУШАНБЕ КўРСАТАДИ: 21.30 Москва. «Время».

7.00 «120 минута». 9.05 «Жарликлар». Тўрт серияли телевизион бадий фильм премьераси.

18.00 Болалар соати (француз тили дарси билан). 19.00 «Время».

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. Укув программаси. 9.15 «Худди она Волгадагидек...».

13.05 Такрорий телефильмлар сеанси. «Қорлар эриганда» («Экзотелефильм»).

19.00 «Время» (сурдо таржимаси билан). 19.30 «КОАП». Мультифильм.

Сешанба, 30

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Табият ва биз». Кинопрограма.

19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Созимда севги вафси». Мусикий кўрсатув.

19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бу оқшом» (рус тилида).

17.50 «Бор бўл, мусиқа!». 18.30 «Кўллар орасидаги ҳаёт».

22.30 «Муаллифлик телевидениеси». Янги программалар таништирилади.

11.35, 12.35 Тарих. 7-синф. Урта асрдаги шаҳар.

18.30 Ритмик гимнастика. 19.00 «Время» (сурдо таржимаси билан).

Чоршанба, 31

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Кўшиқ ҳада этаман». Фильм-концерт.

19.50 «Муштум» жаридеси саҳна-фалариди. 20.20 «Эгил, набира, авар».

20.10 «Йўлингиз бехатар бўлсин». Бевоғиз мулоқот (рус тилида).

12.00 «Дуня бўйлаб». Альманах. 13.00 «Время».

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари. Укув программаси.

13.05 «Бегона шаҳарда ёққан ёмғир».

19.30 Климовск шаҳри «Веснянка» рус кўшиқлари хори ижро этади.

Пайшанба, 1

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Мусиқа дарси.

19.00 «Муштум» жаридеси саҳна-фалариди. 20.20 «Эгил, набира, авар».

20.40 «Шарк либослари фестивали».

13.00 «Время». 13.40 Коллаж.

21.30 «Время». 22.00 Шехмат бўйича жаҳон чемпионида.

11.05 Испан тили. 2-йил шугулланаётганлар учун.

18.40 Маргарита Фёдоровна чалади (фортепьяно).

Жума, 2

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Физика. Каттиқ жисм ва суяк кристалларнинг физик хоссалари.

19.00 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Талаблик йилларим».

20.00 «Пулс». Информацион кўрсатув.

12.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».

21.30 «Время». 22.00 Ички ишлар вазирлиги маълумотлари кўра.

10.05 Инглиз тили. 1-йил шугулланаётганлар учун.

18.05 «Виолончелист ҳаётидан».

Шанба, 3

8.00 «Ассалому алайкум». Мусикий кўрсатув.

18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».

4-серия — «Биз сизга ёрдам берамиз» (рус тилида).

7.00 «120 минута». 9.00 «Сиз яратган боғ».

17.15 Мультифильмлар: «Бир жиллик тарих».

8.45 Болалар учун фильм: «Ақл бу юмалар».

17.30 «Контакт-форум».

Якшанба, 4

8.00 «Хадфано» (такрор).

19.00 «Кичкинтой» программаси. 19.30 «Ахборот» (рус тилида).

4-серия — «Биз сизга ёрдам берамиз» (рус тилида).

14.45 «Немис диаридаги учрашувлар».

8.30 Зарядка сафлангиди. 8.45 «Вьетнам, парвозга шайланган аждаҳо».

16.55 «Планета». Халқаро программа.

20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Узбекистон Компартисининг Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени бошқарувида Тошкент шаҳри.